Босиб чиқариладиган ҳар бир мақолада процентларгина, мажбуриятларгина ажратиб кўрсатилмасдан, балки инсон ва унинг жамиятдаги ўрни ҳам кўрсатилишига эришиш керак. Босиб чиқарилаётган материалларимиз проблемаларнинг ўзигагина даҳлдор бўлиб қолмай, балки инсон шахсига, унинг ички дунёсига, унинг ҳаёт тажрибасига даҳлдор бўлиши лозим. Партия журналистикасининг сўзи олдимизда турган вазифаларни ҳал этишда кишиларимизнинг куч-ғайратларини ошириши зарур.

Инсонга нисбатан сезгирлик, меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш намунасини доимо кўрсатиш, совет кишилар

Адабиёт ва Санъат

ТАРИХИЙ ВИЗИТ ТЎҒРИСИДА ФИЛЬМ

Москванинг энг катта кинотеатрларида «Тинчликдан азиз роқ ҳеч нарса йўқ» деган янги рангли ҳужжатли фильм кўрсатила бошланди. Фильм Леонид Ильич Брежневнинг ўтган йил 22—25 ноябрь кунлари ГФРга қилган визитига бағишланган.

Кино кадрлари Л. И. Брежневнинг визит вақтида сўзлаган ва бутун дунёда маъқуллаб кутиб олинган нутқлари, унинг канцлер Г. Шмидт билан, Ғарбий Германиянинг бошқа раҳбарлари билан ўтказган музокаралари ва суҳбатларини эслатади.

Кинолентага ГФРнинг таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари, ишчилар билан қилинган суҳбатлар киритилган, улар мамлакатимиз тинчликсевар ташқи сиёсат йўлининг таъсирчанлигини яққол тасдиқловчи визит натижаларига юксак баҳо берадилар.

Картина ҳужжатли фильмлар марказий студиясида яратилган.

(ТАСС).

«Наштар»нинг юз зарби

Кинотеатрлар фильм бошланиши олдидан яшикни ёриб чиққан ўтли «Фитиль» ёки ўткир тиғли «Наштар»ни кўп кўрасиз. Кўпчилик бу сатирик журналларнинг ҳар янги сонини катта қизиқиш билан томоша қилади. Мана экранда «Наштар»нинг 100-сони:

«...Идорага янги тайинланган бошлиқ Қодиров уйига келса... бир кучук оёғини ялаб уни кутиб оляпти. Бу ит қаёқдан бизнинг уйда пайдо бўлиб қолди, деб у хотинидан сўрайди. Ҳа, қуриб кетсин: болаларга эрмак, деб Аппонов деган киши бойлаб кетди. Идорангизда ишлар экан. Итини етаклаб, хўжайинининг болласини елкасига миндириб ўйнатиб юрадиган Аппонов бир куни идорасига келса... бошлиғи Қодиров бошқа ишга ўтиб кетибди. У Қодировнинг уйига бориб, итини машина багажнигига ортиб, Қодировнинг боласини чирқиллатиб йиғлатганча янги бошлиқнинг уйига равона бўлади..»

Бу бадиий киноларҳа (сценарий автори Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, режиссёр Г. Шермуҳамедов) ҳаётимизда аҳён-аҳёнда учраб турадиган ана шундай сўнгги нусхаларни ўткир ҳажв тиғига санчиб, шармандаю-шармисо р қилади. Томошабинлар бундан кейинги киноларҳаларда ҳам бирбиридан қизиқарли ҳажвий-танқидий пландаги воқеалар асос қилиб олинган «Наштар» сюжетлари, фельетонлари билан танишадилар.

«Наштар» сатирик киножурнали меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, ҳаётимиздаги баъзи камчилик ва нуқсонларни тугатишда катта ташкилотчилик ва сафарбарлик ролини бажармоқда. Ҳаётга оператив ва самарали таъсир этишда, камчиликларни фош этишда сатиранинг янги жанрлари кинофельетон, юмористик агитплакатлардан унумли фойдаланилмоқда.

Биз «Наштар»чилар ҳам ана шу принципга амал қилиб ишлашга, жамиятимиз тараққиётига тўғаноқ бўлаётган нуқсонларни аччиқ кулги остида янада кўпроқ фош қилишга аҳамият берамиз.

Сатира — бу жуда кучли тарбиявий восита. Ундан шундай фойдаланмоғимиз керакки, нишонга тўғри бориб тегсин. 1979 йили Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ташаббуси билан мамлакатимизда чиқадиган барча сатирик кино журналларнинг семинар кенгаши ўтказилди. Бу ижодий баҳс «Наштар»нинг янада таъсирчан, сермазмун чиқа бошлашида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Дастлаб биз ишни объект танлашдан бошлаймиз, сўнгра камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини анализ қиламиз. Конкрет айбдорларни топиш билан биргаликда уни тузатиш йўлларини ҳам кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

«Наштар» танқид қилиш билан бирга «Наштар изидан» деган рубрикаси остида унинг натижасини ҳам бериб боради. Журнал сонларида кулгига ҳам катта эътибор берилади. Албатта, кулгида ҳам кулги бор. Бекорчи, бемаъни кулги ҳеч кимга керак эмас. Чуқур маъного, чуқур илдизга эга бўлган, жамият тараққиётига хизмат қилувчи кулгигина, бошқача қилиб айтганда ижтимоий кулги азалданоқ синфий курашнинг муҳим қуроли бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. «Наштар» ана шундай кулги уйғотувчи воқеаларга алоҳида аҳамият беради. Совет сатираси ҳақиқатан ҳам замонамиз яратиб берган буюк афзалликлар, имкониятлардан фойдалана олмаган, ҳали ҳам эскича онг, эскича хатти-харакатлар билан яшовчи шахсларни — юлғичларни, безориларни, бадмастларни, тўрачиликни ва бошқа иллатларни фош қилади ҳамда жамиятимиз тараққиётига тўғаноқ бўлмоқчи бўлганларни супуриб ташлашга ёрдам беради. Сатирик публицистиканинг ўзига хос, таъсирчан формаси бўлган ҳажвий киножурналимиз ҳам худди ана шундай мақсадларга хизмат қилмоқда. У ҳаётдаги нуқсонларни халқ кўзи билан кўради, унинг тили билан танқид қилади, партиямизнинг ўткир, таъсирчан ғоявий қуроли бўлиб иш тутишга биринчи галдаги вазифа деб қарайди.

Ўз-ўзидан маълуми, режиссёр меҳнатисиз ҳар қандай кинони тасаввуф қилиб бўлмайди. «Наштар»нинг ҳар бир сони, ҳар бир киносюжет, ҳар бир кинофельетонига режиссёрнинг жуда катта меҳнати сарф бўлади. «Наштар»нинг ҳар бир сони тўрт лавҳа, яъни икки бадиий ва икки ҳужжатли сюжетдан иборат. Бу сюжетларни суратга олишда актёрлар, студиямизнинг таниқли режиссёрлари, операторлари, рассомлари иштирок этишади.

«Наштар»даги актёрлар томонидан ўйналадиган киноларҳаларни эстрада миниатюраси, деса ҳам бўлади. У ихчам, лўнда, шу билан биргаликда тугалланган фикр ва кутилмаган ечимга эга. Бизда бу соҳада катта хазина бор. Бу халқимизнинг Насриддин Афанди ҳақидаги латифаларидир. Киножурналда, унинг 1-сонидан то 100-сонигача Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғани Аъзамов шу образни яратиб махсус мухбирлик қилаётганлиги яхши муваффақиятларга олиб келяпти.

Ҳар бир халқнинг ўз қаҳрамони ва сеҳрли кулги усталари бор. Суриядан то Афғонистонгача бўлган халқлар тилидаги қувноқ ҳикояларнинг Хўжа Насриддиндан машҳурроқ қаҳрамони бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам бу образга ҳар қанча мурожаат қилсак арзийди. Лекин Афандининг ҳозиржавоблиги ва донолигини томошабинларга қандай етказиш керак? Бу биздан пишиқ материаллар, яхши сценарий ҳам талаб қилади. Чунки у «Наштар»нинг янада сермазмун бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Журналимизда таниқли ҳажвчиларимиздан Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Олим Қўчқорбеков, Эркин Воҳидов, Олег Сидельников, Мумтоз Муҳамедов, Мақсуд Қориев, Неъмат Аминов, Фарҳод Мусажонов, Ҳожи Аҳмар, Анвар Муқимов, Учқун Назаров, Йўлдош Муқимов, Ўткир Ҳошимов, Мухтор Ҳудойқулов ва бошқа авторлар, журналистлар, ёш ҳажвчилар фаол қатнашмоқдалар. Киножурнал саҳифаларида намойиш қилинган Мақсуд Қориевнинг «Балли қизлар», Ўткир Ҳошимовнинг «Ёрдам қилишди», Жасур Исҳоқовнинг «Уч мири зиён», Фарҳод Мусажоновнинг «Иккинчи хотин», Мумтоз Муҳамедовнинг «Тўйдан кейин», Саид Аҳмаднинг «Таниш ит» киноманзаралари томошабинларга манзур бўлди.

Шундай қилиб «Наштар»нинг ўтган 15 йил ичида 100 та сони чиқди. Бу сонларнинг кўпчилиги Бутуниттифоқ ва республика қисқа метражли ҳамда телевизион фильмлар кинофестивалларида ҳам намойиш этилди. «Наштар»нинг кўпгина сонлари турли йилларда ўтказилган ана шундай кинофестивалларда 1-даражали диплом ва жамоат ташкилотларининг совринлари билан тақдирланган.

Саҳна ва экран усталари — СССР халқ артисти Наби Раҳимов, республика халқ артистлари Ғани Аъзамов, Марям Ёқубова, Соиб Хўжаев, Ҳамза Умаров, Маҳсум Юсупов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — Бахтиёр Ихтиёров, Обид Юнусов, Эргаш Каримов, Турғун Хонтўраев, Клара Жалиловалар кўп йиллар давомида «Наштар» киножурнали саҳифаларида актив иштирок этиб, унинг томошабинларга янада манзур бўлиши учун жон қўйдиришмоқда.

Ленинча танқид ва ўз-ўзини танқид принципига амал қилаётган сатирик киножурналимиз жамиятимизга ёт бўлган одатларнинг барча кўринишларига қарши бундан буён ҳам «Наштар» тиғи билан актив кураш олиб бораверади.

Сами АБДУҚАҲҲОР,
ҳажвчи-ёзувчи, «Наштар» киножурналининг масъул котиби, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

♣ ♣ ♣

СУРАТЛАРДА: «Наштар»нинг 100-сонидан кадрлар.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

О. РАҲМОНОВ, Ж. ОРТИҚОВ: Бизларга корхона, ташкилотларда ишлайдиган ходимлар касал ёки майиб бўлганда уларга қанча муддатга отпуска берилиши тўғрисида маълумот бершингизни илтимос қиламиз.

Жавоб: Касал ёки майиб бўлгандаги отпуска — ходим умумий ёки касб касаллиги билан оғриганлиги, меҳнатда майиб бўлганлиги ёки турмушда шикастланганлиги туфайли вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда касаллик варақаси (справка) тақдим қилиши билан берилади. Отпуска тузалиб кетгунигача ёки инвалидлиги аниқлангунигача бутун меҳнатга қобилиятсизлик даврига берилади. Касаллиги узоққа чўзилган ишчи ва хизматчилар меҳнат қобилиятини йўқотган кунидан 4 ойдан кечикмай ёки умуман олганда сўнгги 12 ой давомида такрор (айни бир касаллик билан) оғриганда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврининг 5 ойидан кечикмай текширувдан ўтиш учун ВТЭКка юборилишлари керак. Ходим сил касаллиги билан оғриб қолганлиги сабабли меҳнат қобилиятини йўқотган ҳолларда у меҳнат қобилиятини йўқотган кундан бошлаб 10 ойдан кечикмай ёки умуман олганда сўнгги 12 ой давомида сил касаллиги билан такрор оғриганда 10 ойдан кечикмай ВТЭК текширувидан ўтиш учун юборилади.

Агар ВТЭК хулосасига кўра беморни инвалид деб топиш учун асос бўлмаса ва у меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолаверса, касаллик варақаси қонунда белгиланган тартибда узайтирилиши керак.

Ходим йиллик ёки қўшимча отпускада бўлган вақтида касал бўлиб қолган тақдирда касаллиги бўйича отпуска бутун вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври учун берилади, навбатдаги ёки қўшимча отпуска эса касаллик варақаси билан тасдиқланган меҳнатга қобилиятсизлик кунлари ҳисобига узайтирилиши (бошқа муддатга кўчирилиши) лозим.

♣ ♣ ♣

Ф. АЛИЕВА: Мен бирор тикувчилик тўгарагига кириб чевар бўлмоқчи эдим. Аёлларга бичиш-тикишни ўргатадиган шундай тўгараклар қаерда бор?

Жавоб: Шаҳримизнинг ҳар бир районидаги маданият уйларида шундай тўгараклар, бичиш-тикишни ўргатадиган курслар бор. Бу тўгаракка пул тўланиб, олти ойдан бир йилгача ўқиш мумкин. Шундай тўгараклардан бири Ҳамза кўчасидаги 8-уйда жойлашган.

♣ ♣ ♣

К. МУСАЕВ: Бир неча йилдирки мен ҳам пенсия оламан, ҳам ўзимнинг аввалги иш жойимда ишлаб келаман. Айтингчи, мен навбатдаги отпускамдан ташқари ишлаётган пенсионерларга бериладиган иш ҳақи сақланмайдиган икки ойлик отпускани сўрашга ҳаққим борми?

Жавоб: Ҳа, агар Сиз моддий ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларига қарашли корхона ёки муассасада ишлаётган бўлсангиз шундай отпускани сўрашга тамоман ҳақлисиз. Шу корхоналарнинг, муассасаларнинг раҳбарларига касаба союз комитетлари билан келишилган ҳолда пенсионерларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги икки ойлик отпускани беришга рухсат этилган.

САНЪАТНИНГ сеҳрли оламида

ДИЛБАР ОҲАНГЛАР СОҲИБИ

Ўз созида одамлар дилидаги гўзал ҳиссиётларни, орзу-умидларини куйлаган инсон эл эъзозига сазовор бўлади. Сайриддин Йўлдошев ана шундай эъзозга лойиқ моҳир созанда ва ҳассос бастакорлардан бири. У ёшлигиданоқ санъатга меҳр қўйди. Машҳур созанда Маматазиз Ниёзов унга мураббийлик қилиб, музика мактабига ўқишга таклиф қилди. музика сирларини ўргатди. У бу ерда дутор, ғижжак асбобларининг сеҳрли, нозик дарпардаларини маҳорат билан ўрганди. Сайриддин Йўлдошев 1936 йили ўқишни битириб. Муҳиддин Қорнеқубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясида ишлай бошлади. Ўз репертуарларини бойитиб борди. Улуғ Ватан уруши йилларида Ғавҳар Раҳимова Ўзбек Давлат филармониясида фронтчи санъаткорлар ансамблини тузиб, жанг майдони бўйлаб йўл олди. Бу ансамблда Сайриддин Йўлдошев билан бирга моҳир чангчи Фахриддин Содиқов, Ғафур Азимов, Эргаш Шукруллаев, Фотима Борухова, Аюб Қодиров, Рўқия Абдуллаева, Меҳри Абдуллаева, Мурабби Косимов, Мамадазиз Ниёзов, Ғулилой Машарипова каби машҳур санъат усталари ҳам бор эди.

— Фронтчи санъатқорларимизнинг маршрути ниҳоятда оғир ва калтис эди, — дейди Сайриддин ака. — Биз бомбардимонлардан чўчимай, совуқларга бардош бериб жасур солдатлар ҳузурига борар эдик ва ўз репертуарларимиздаги ажойиб қўшиқ-рақсларимизни, куйларни ижро этиб, жангчиларимизни ғалаба сари руҳлантирар эдик. Украина ва Белоруссия фронтларидаги, Харьков, Житомир шаҳарлари, Польша остоналаридаги ҳар бир концертимиз жуда ҳаяжонли бўларди.

Ансамбль жангчилар ҳузурида жами тўрт юзга яқин концерт берди. Германиянинг Грауден шаҳрида, ўзбек халқининг баҳодир генерали Собир Раҳимов дивизиясида берилган концертлар унда иштирок этган ҳар бир санъаткор учун абадий унутилмас хотира бўлиб қолди. Собир Раҳимов бу концертни кўриб жонажон Ўзбекистонни кўргандек хурсанд бўлган, ажойиб ҳаётбахш қўшиқ, рақслари ва куйлари учун дивизия номидан ташаккур изҳор қилган эди.

Замбараклар овози тиниб, совет халқи фашизм устидан қозонган ғалабасида Сайриддин Йўлдошев ҳам ўз ҳиссаси борлигидан фахрланади.

Қори Ёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясининг «Шодлик» ансамблида Сайриддин ака 44 йилдан бери меҳнат қилиб келмоқда. Унинг бастакорлик фаолияти ҳам эътиборга лойиқ. Шоирлар билан ҳамкорлик, ўзбек халқ ва классик музикаси дурдоналарини яхши ўзлаштириш уни замонавий қўшиқлар ёзишга руҳлантирди. У аввал чолғу куйлари яратиб, ўзининг маҳоратини оширди. «Ором», «Учрашув», «Тонг ороми», «Меҳнат куйи», «Сайри боғ» каби шўх куйлар Сайриддин Йўлдошев ижодига мансуб. Бу куйлар асосида балетмейстерлар ажойиб рақслар яратишди.

Сайриддин Йўлдошев ҳозиргача юздан ортиқ дилбар куйлар яратди. Бу куй ва қўшиқларни халқимиз мароқ билан тинглямоқда.

Камтарин созанда ва бастакор Сайриддин Йўлдошев меҳнатини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. У икки марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи, «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди. 1965 йилда совет халқи фашизм устидан қозонган ғалабанинг йигирма йиллиги муносабати билан унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берилди.

Ҳар тонг радиодан дилрабо куй ва қўшиқлар янграганда ўзининг сози, ижоди билан, одамлар калбига завқ-шавқ, олижаноб туйғулар ва шодлик бағишлаётган Сайриддин Йўлдошевни эслаймиз. Биз ҳассос созанда ва бастакорга одамларни меҳнат ва ижодга чорлаб янграётган куйларингиз янада кўп бўлсин, дейміз.

А. ИНОҚОВ.

ЙЎҚЛОВ

(ҲИКОЯ)

Ҳомиджон ишдан барвақтроқ қайтди. Иўл-йўлакай бир кило лахм гўшт харид қилди. Шу маошидан болаларига қишлик уст-бош олиб бериш-ни дилига тугиб юрган эди. Кеча хотини Лазокат ҳам пальтосининг оҳори тўкилиб қолганидан нолиди. Тўғри-да аввалига ўқишим, кейин илмий ишим деб уларга яқин орада тузукроқ нарса олиб бергани-нини эслолмайди. Лазокат ҳам эрининг кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишлашини кўриб, раҳми келар, рўзғор ташвишларини ҳадеб эрининг юзига солавермас эди. Ҳомиджон шуларни ўйлар экан меҳри товланиб кетди. Ҳаммасини бирваракайига хурсанд қилай деган хаёл билан шаҳарнинг марказий универмагига кирди. Ўғли билан қизига свитер сотиб олди. Лекин аёллар кийим-кечаги бўлимини уч бор айланса-да, хотинига кўнгилдагидай пальто тополмади. Қайтанга ҳадеб тимирскиланавергани учун сотувчи қизлан дакки эшитди. Хафсаласи пир бўлиб, атрофга аланглаб турган эди, аллақачонлар алоҳалари узилиб кетган бўлса-да, кўришганларида ҳа-па дейишадиган Зариф учраб қолди. Зариф институтга Ҳомиджон билан баравар кирган, лекин ўқишни эплолмай савдога уриб кетганди. У икки гапнинг бирида «Пул бўлса чангалда шўрва», «Икки энлик қоғозим бўлмаса таначамда коним тўхтаб қоларди», деб ўзини овутиб юрарди.

— Э-э, Ҳомиджон ўзларими? Қайси шамоллар учирди биз ёқларга?! Келсинларкелсинлар, қадамларига ҳасанот...

Зариф Ҳомиджон билан қучоқ очиб кўришгач, хўш хизмат дегандай тикилди.

— Шу келинингизга пальто олсам дегандим...

— Жуда соз, жуда яхши-да. Лекин сиз боплари бу ерда эмас. Қани ичкарига марҳамат қилсинлар!

Ҳомиджон истар-истамас Зарифнинг ортидан эргашди. Аслида унга дуч келгани яхши бўлмади. Ҳозир ҳамён ҳам бунақалар билан алоқа қилишга ярамайди. Ишкилиб пули етсин-да. Бўлмаса унинг олдида... Ташида билдирмаса ҳам ичида «Ўлганнинг яхши, йигирма йил ўқиб ҳамон еганинг ел экан-ку», дейиши аниқ, дилидан ўтказди у.

— Мана дўстим, французларники. Ёқаси ҳам андатра. Ўзиям бир дона қолувди, Ўлмас матаҳ. Келинойимизга буюрган экан. Бўйнингизга осилиб бир соат ўпмаса мен номард.

— Ҳисоблик дўст айрилмас, деганлар... Қанча бераман?

— Э-э, ер-билан осмон бўлармиди. Бор йўғи уч юз сўм. Ошиқ-камига биз қарздор.

Ҳомиджон пулни санаб бергач хурсанд бўлиб кўчага чиқди. Обрўлик қилиб бешолти йил кийса бўлади. Лазокатнинг боши осмонга етади. Қоларверса ўзининг ҳам боши бир муддат тинчийдиган бўлди. У ширин хаёллар билан илдам одимлар экан, олдинда бораётган аёлга кўзи тушди. Икки болани бағрига босиб, билакларига иккита сумкани осилтирганча, аранг кетиб борарди. Ҳомиджон қадамини тезлатиб аёлга етиб олди. Қорачадан келган, ранглари синиқ. Ёши ўттиз, ўттиз бешларда. Ажабо, синглиси Ҳолнисанинг ўзгинаси-я!

Ҳомиджон аёлнинг икки сумкасини олиб бекатгача элтиб қўйди. Бошидаги тусини йўқотган рўмоли, эгнидаги нимчаси унинг қишлоқдан келаётганини айтиб турарди. Бошига ташвиш тушган кўринади. Ўзингизни шаҳардаги докторга кўрсатинг дейишибди. Дардманд экан бечора. Озиб кетибди. Тавба, шунчалар ҳам ўхшаш бўладими! Синглимнинг ўзгинаси-я!

Ҳомиджоннинг кўнгли бузилиб кетди. Бечора сингилгинаси. Хабар олмаганигаям беш йилдан ошди. Ҳоли нима кечди экан? Онаси раҳматли оқибат, аҳиллик тўғрисида кўп гапирарди. Отанг йўқ! Мендан кейин бир-бирингга суянинглар. Синглингни ўкситиб қўймагин. Уни сендан бошқа кими бор. Бирдан-бир жигарбанди сенсан, дегувчи эди. Ҳомиджон онасининг васиятини ўрнига қўёлмади? Ҳа, қўёлмади. Наридан-бери сеп-селанини қилиб узатгач бир-икки мартагина истаб борди, холос. Илмий ишини бошлаб қўйгач, бирон марта ҳам қадам изи қилганни йўқ. У юрагини эзгилаётган хўрсиниқни босиш учун баҳоналар қидира бошлади. Ахир бекордан-бекор сангиб юргани йўқ-ку. Ўзининг, қолаверса синглисининг ҳам келажагини ўйлаб иш тутди. Ўқишни тугатгач уйланди. Кейин аспирантура, бола-чақа дегандай.

Ҳомиджон ўз айбини қанчалик хас-пўшламасин юраги баттар эзиларди. Кўз олдидан онасининг таъналаги қиёфаси, гоҳ ҳалиги дардманд аёл тимсолидаги синглиси кетмай қолди. «Бечора сингилгинам, болаларинг ҳам кўпайиб кетгандир. Бирров бориб қайдасан, турмушинг қандай, деёлмадим. Кўйвингни ҳам ичкилик деса мук тушганча қайтиб турмайди, дейишади. Эшитишимча ўқиндан ишласа-да, қўлига тушганини бир кунда совуралиган одати бор эмиш. Тўйиб ичгач пирини ҳам танимас, гоҳ-гоҳ сени дўппослаб ҳам турармиш.

Ҳомиджон бирдан таққа тўхтади. Кейин югуриб катта йўлга чиқди-да қаршисидан келаётган таксининг йўлига туриб олди...

Тоғ орасидаги қишлоқ, беш йил олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандай ўзгармабди. Синглисининг ортидан қадам товушлари эшитилди, кейин эшик очилди. Ҳамир қораётган экан чоғи, енги билагигача шимарилган синглиси кўринди.

— Вой акам, акажонгинам. — унга беланган қўллари билан Ҳомиджоннинг бўйнига осилди Ҳолниса. — Келар кунингиз ҳам бор экан, мен етимакни ҳам сўрайдиган одам бор экан-а! — дея ҳўнграб йиғлаб юборди у.

Ҳомиджон синглисининг тўзиб кетган сочларини аста силаб нималардир деб юпатмоқчи бўлар, лекин ҳеч нарса деёлмас эди.

— Борай дейману, остона хатлолмайман. Мол-ҳол дегандай. Ўзларингиз кандайсизлар? Келинойим ҳам омонгинами, жияннларим?..

— Шукур. Сенга салом дейишди, — деди Ҳомиджон томогидаги соққани аранг ютиб. — Келинаянг ҳам турмуш тақвишлари билан ўралашиб қолди...

— Ҳа майли, омонгина бўлишсин, дунё ўзи шу.

Ҳолниса акасининг кўзларига меҳр билан тикилкан, «Қани тўрга ўтинг ака, мен ҳозир кираман, ҳамир қораётгандим», деяр чиқиб кетди. Ҳаял ўтмай паҳмоқ сочли икки қизчани етаклаб кириб келди. «Қизлари, — хаёлидан ўтказди Ҳомиджон. — Отлари нима экан?» Ҳолниса акасининг ўнғайсизланаётганини сезди шекилли, деди:

— Қани Юлдузхон, Қундузхон, тоғанг бидан танишинглар-чи. Шўрликлар эркак одамдан чўчийдиган бўлиб қолишди. Ичиб олиб тўпалон қилгани, қилгани...

Бир қўли ўзиб олинган қўғирчоқни осилтириб ушлаб турган Юлдуз лабларини буриштириб йиғлаб юборди. Кейин Қундуз ҳам унга жўр бўлди. Кўп ўтмай болалар Ҳомиджонга эликиб кетишди. Ҳомиджоннинг ҳам кўнгли яйраб, жияннларини суйиб-суйиб эркаларди.

Кечга яқин куёви Назарали келди. Ҳар тугур у бугун ичмаган эди. Эри билан акасининг қучоқ очиб кўришишларини кузатиб турган Ҳолнисанинг кўзларида ёш қалқди.

Ҳомиджон дастурхон устида синглисига разм солди. Анча чўкиб қолибди. Ўнг кўзи кўкарганига анча бўлган бўлса ҳам йўқолмабди. Ёмонроқ урганга ўхшайди. номард.

Анови пишиллаб овқат чайнаётган куёвига барибир. Дунёни сув босса тўпиғига чиқмайди. Начора икки бола бор. Ҳамма айб ўзимда. Тез-тез йўқлаб туришим керак эди. Энди шундай қиламан. Онамнинг руҳлари ҳам шод бўлади.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, совга-салом улашилди. Пальтони синглисига кийгизиб кутлуғ бўлсин қилди. Ҳолниса ҳеч нима деёлмай унсизгина ёш тўкиб ўзини ичкарига урди. Уни ҳам йўқлаб келадиганлари, ҳолинг не дейдиган одами борлигидан тўйиб-тўйиб йиғлади...

Ҳомиджон эрталабдан пага-пага ёғаётган қорни томоша қилиб узоқ ётди. Ёнидаги ўрин бўш. Назарали аллақачон туриб кетган, огил томондан сигирга пўписа қилгани эшитиларди. Тунда туққанидан эшитмаган гапларни эшитган Назарали Ҳомиджонга тик боқолмай жимгина нонушта қилди.

Ҳомиджон уйга анча кеч етиб келди. Кела солиб ўзини диванга ташлаб, қаттиқ уйқуга кетди. Бир пайт кўзини очса ёнида хотини. Дагал, лекин меҳрибон қўллари билан унинг пешонасини силаб ўтирарди.

Ином ҲАСАНОВ.

НАСРИЙ МАСАЛЛАР

ЧИГАЛ СОЧ

— Азиз бошданки ажралдимми, энди ишим чигалу, ҳолим забун, оёқ ости бўлишим турган гап, — деб зорланарди Чигал соч ҳасратдан жизғанаги чиқиб. Унга ачинишдию, бир четга олиб қўйишди.

ҲАРОРАТ ВА ШАРОРАТ

— Мен оқиб турган сувни музлатаман, — дерди Шарорат.

— Мен эса тоғутошни эритаман, — дерди Ҳарорат.

БАРМОҚЛАР

Бармоқлар нимадандир ғазабланиб тумтайишдию, мушт бўлиб олишди. Лекин, ҳайрият, ёзғлишиб, чеҳраларни очилдию, бошқа кафтдаги бармоқлар билан қучоқлашиб кетишди.

Тинчлик, дўстликкка нима етсин!

ПАНЖАЛАР ВА БИЛАК

Панжалар ўз-ўзларини мақтаб анча чулдиришди. Билак бирокда индамасдан турарди.

ЎПКА

Юрак бир меъёрда жимгина урар, Ўпка эса дам шишиб, дам тушиб ҳансираганн ҳансираган эди. У ҳамма ишни мен қиляпман, деб ўйларди.

— Ўпкаламагину, ўртоқ, ҳақиқий ўпкасан-да, — деб ҳазиллашиб қўярди Юрак.

ТОВОН НИМА ДЕЙДИ?

— Э, суяклар ўз йўлига, бутун гавдани пировардида мен — бир парча гўшт кўтариб турамаи-а...

ИТ

— Нега мени ёмон кўришиб ит дейишади, а? — деб зорланди Ит.

— Чунки сен бўлар-бўлмасга акиллаб, одамга ташланасан-да, — деб жавоб беришди унга.

ТУЗ ВА ШАКАР

— Дунёнинг ширинлиги мен билан, — деди Шакар.

— Дунёнинг таъми мен билан, — деди Туз.

КАЛТАКЕСАК

— Чақ-чақ-чақсаммикин... Чақ-чақ-чақ масаммикин... Қизиқ, мени одамлар нимага ёмон кўришаркин, а? Чақ-чақ-чақса м м и-кин, чақ-чақ-чақмасаммикин...

ОҚ СОЧ

Бошдаги қора соч оқ сочни кўриб, нега сен бундайсан, дегандек мазаммат қилди.

— Мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўласан менингдек, — деб жавоб қилди Оқ соч.

ЯХМАЛАК

— Нега қадам босган одамни кўтариб урасан а? — деб сўрашди Яхмалакдан.

— Юзимга оёқ босишмасин-да, — деди ҳўмрайиб Яхмалак.

КЎЗ БИЛАН ҚОШ

Кўз чарақлаб нур сочар, Қош эса унинг тепасида парвона эди.

— Чарақла, чарақлайвер, қуралай кўзим, тепангда ўзим посбонман, — дерди Қош меҳрдан ял-ял товланиб.

Қош билан Кўздек апоқ-чапоқ ҳаёт қандай яхши!

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Турналар

Учиб келар яна турналар,
Не маъно бор парвозларида!

Не маъно бор овозларида!
Қўшиқми бу ёки сурнайлар!

Ҳар галгидай келар ҳар қалай,
Қўшиқ айтиб, «Баҳор янги!»—деб.
Қувонч олиб келар бир талай,
«Ҳаёт мангу! Ҳаёт мангу!»—деб.

Сув оқмоқда

Сув оқмоқда анҳорда тўлиб,
Ранги сап-сариғ.
Мен боқаман анҳордай тўлиб,
Кўнглим ёп-ёруғ.
Далаларга таралар бу сув,
Тупроғимиз яна сержило.
Тўлиб оққан шу ранги бўз сув
Оддийгина сув эмас, тилло.

Япроқлар

Япроқлар — кўзлардир,
кўзларга ўхшар,
Уларни —кўзларни
асранг, одамлар.

Япроқлар — қалблардир,
қалбларга ўхшар,

Уларни — қалбларни
асранг, одамлар.

Бу кўнгил

Шабнам ютиб тўйгандай булбул,
Менга ҳам кўп нарса керакмас.
Оз нарсадан тўлар бу кўнгил,
Оз нарса ҳам мўл ва муқаддас.
Келиб турғин сен, оз насибам,
Кўп насиба менга керакмас.
Фақат тез кел увоқ бўлсанг ҳам,
Келгин бўлиб ҳалол, муқаддас.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ҲАВО ГЕОЛОГИК РАЗВЕДКАЧИСИНИНГ ТРАССАЛАРИ

Украина ССР Фанлар академияси Львов физика-механика институтининг олимлари ленинградлик геофизиклар билан ҳамдўстликда яратган янги аэроэлектроразведка станцияси «қанотли геолог» деб аталмоқда. МДК—80 установкаси темир руداси, боксит ва бошқа фойдали қазилмаларни излаш, уларнинг жойлашиш чегаларини аниқлашга аталган.

Бундай ўлчашлар учун учиш трассаси бўйлаб ўнлаб километр масофада ерга уланган кабель ётқизилади. Самолёт ичидаги ўлчаш аппарати кабель орқали ўтказилувчи ўзгарувчан ток таъсирида тоғ жинсларида вужудга келувчи электромагнит майдонини қайд этади. Перфолентада олинган маълумотлар информация ҳисоб марказида ишлаб чиқилади. Ҳисобдан машина аномаль зоналарнинг график тасвирини беради, геологлар шу тасвирга қараб, фойдали қазилма чиқиши мумкин бўлган районларни белгилайдилар.

«Қанотли геолог» материалларнинг маъносини қўлда очишдек сермеҳнат ишдан ҳоли қилади. Институтнинг тажриба заводи шу йил бу янгиликни кўплаб ишлаб чиқара бошлайди.

Ю. РОМАНОВ,
ТАСС мухбири.
Львов.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР

КОМИССАР ҲАЙКАЛИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Тошкент ҳайкалтарошлик тажриба комбинати меҳнат аҳли Улуғ Октябрь революцияси ва гражданлар урушида қаҳрамонлик кўрсатган жангчилар хотирасига бағишланган ёдгорликларни яратишда ҳайрли ишларни амалга оширмоқда.

Шу кунларда бу ерда социалистик революция ҳимоячиси, комиссар Миркомил Миршароповнинг ҳайкали тайёрланмоқда. Бу ҳайкал Самарқанд шаҳри марказида ўрнатилади. Бронзадан ишланган ёдгорликнинг бўйи беш метр бўлиб, уни ҳайкалтарошлар В. Дегтяров, Н. Бандзеладзе ва постаментини эса архитектор Н. Содиқовлар яратишган.

ОЛТИ МИЛЛИОНТА ХИЗМАТ

«Ўзтрансэкспедиция» бошқармасининг коллективи улуғвор ўн биринчи беш йилликда аҳолининг узоғини яқин қилишда бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Бу бошқарма меҳнатчилари 1982 йилда ҳам катта ғайрат ва шижоат билан ишлайдиган бўлдилар.

Улар ўтган йили ҳам талай арзигулик ютуқларни қўлга киритишган эди. Белгиланган плондан ташқари аҳолига 380 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Республика меҳнатчиларининг 6 миллионта хизмати бажарилди. Транспорт-маиший хизмат кўрсатиш бўйича бажарилган умумий ишлар 18 миллион сўмдан ошади.

ПОЛОТНОЛАРДА ТОШКЕНТ МАДҲИ

Тошкент XIX—XX асрларда йирик маданият марказларидан бири сифатида дунёга танилган. Бу ерда кўпгина санъат турлари қатори тасвирий санъат ҳам ривожлана борди. Расм чизаётган рассомни шаҳарнинг кўпгина жойларида учратиш мумкин эди. У пайтларда портрет асарларга нисбатан манзаралар кўпроқ тасвирланган.

Бу каби асарлар галереясида намойиш этилаётган кекса рассомлар Р. К. Земмернинг «Тошкентдаги маст», «Беглар Беги қошидаги масжид», И. С. Казаковнинг «Шайхонтоҳур», «Чойхона», «Тошкент ҳовлиси», Н. И. Гречаниновнинг «Тошкент манзараси», О. К. Татлвосяннинг «Тошкент чеккаси», Е. Г. Бурцевнинг «Шайхонтоҳурдаги чойхона», М. В. Новиковнинг «Тошкент боғлари», «Эски Тошкент кўчаси», Л. Насриддиновнинг «Ҳовузли чойхона», Х. Раҳимовнинг «Тошкент кўчаси», СССР халқ рассоми У. Тансиқбоевнинг «Салорда баҳор» асари ва бошқа асарлар кирган. Деярли Тошкентнинг эски қиёфасини акс эттирган тасвирлар кўхна пойтахтимиз ўтмишидан ҳикоя қилади.

М. АҲМЕДОВ.

Кейинги йилларда Хадра майдони беқиёс даражада ўзгариб кетди. Бу ерда осмонўпар баланд қаватли муҳташам турар жой бинолари кетма-кет қад ростламоқда.

СУРАТДА: Хадра майдонининг ўнг томони кўринишн.

И. Шоиноғомов фотоси.

• *Наботот — ҳаёт манбаи*

КУЛЧА ЮЗИДАГИ ХОЛ

Ҳурматли редакция! Уй нонининг юзига сепиладиган седананинг қандай хоснятлари бор? Шу ҳақда маъ лумот берсангиз.

Д. Раҳмонова, ўқитувчи.

Дастурхон султони нон дейдилар. Седана дейилганида, тандирдан эндигина узулган седанали бўрсилдоқ, лаълдан ранг олган кулча нонни кўз олдимизга келтирамиз. Седана сепиб безатилган кулча деярлик моғорламайди, уни «кулча холи» деб аташади.

Седана асосан Шарқ мамлакатларида маданий равишда экиладиган наботот оламининг вакили сифатида танилган. Уни тожиклар снёҳдона, форслар шавнез, араблар хубатл савдо деб аташади.

Седана бир йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи тизза баробар, баъзида ундан ҳам узунроқ бўлади. Пояси текис, юмалоқ, тукдор, тик қадли бўлиб, барглари патсимон нимталанган. Гуллари нисбатан йирик ложувард-феруза тусли, кўринишидан бамисоли юлдузни эслатади, гуллар ўз навбатида ҳар бир шоҳчанинг учини безаб туради. Меваси филофли, уруғи уч қирралн, майда, қўнғир рангли донаچаларидир. Ўсимлик ёзнинг бошларида қийғос гуллаб, мева беради. Седана нисбатан беғубор ўсимлик бўлиб, уруғи икки ҳафта ичида униб чиқади. Ўсимлик меваси пишиш олдидан ўриб олиниб қуритилади.

Седанани бизнинг мамлакатимизда табиий ва маданий ҳолда учратишимиз мумкин: уни гоҳо бегона ўт сифатида ҳам учратамиз.

Седана қадим замонлардан бери халқ табобати амалиётида кенг қўлланиб келинган.

Шамоллашга мойил кишиларга ҳам седана истеъмол қилиш тавсия этилади. Чунки седана танага ҳарорат бериш қувватига эга.

Буюк табиб Абу Али ибн Сино седана билан айрим кўз касалликларни даволаган, седанани асал шарбати билан омухта ҳолда қовуқ ва буйрақдаги тош ҳасталикларини даволашда фойдаланган.

Қадимги манбаларда келтирилишича, седана гижжа ҳайдовчи, газандалар заҳрини кесувчи ва кишини тинчлантирувчи омил сифатида ишлатилган.

Седана болгар халқ тиббиётида дамлама сифатида кўп қўлланилади, дамлама ўз навбатида пешоб, гижжадан халос қилувчи, ични латифлаштирувчи дори бўлиши билан бирга, эмизувчи оналар сутининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатар экан.

Шарқда машҳур бўлган табиблардан Амирдавлатнинг берган маълумотларига қараганда, седана нафасга даволик қилар экан.

Седана нон юзини безашда ишлатилибгина қолмасдан, ҳозирда бодринг, помидор, карам тузлашда, инсон соғлиғини мустаҳкамловчи дори сифатида ҳам кенг қўлланиб келмоқда. Седанадан олинадиган эфир мойлари атторчилик ва атирупа ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган корхоналарда муҳим хом ашёлардан ҳисобланади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, седананинг янчиб сараланган уруғи таркибида 1,5 процентга яқин анбар мойлари, ёғ, мелантин, алкалоид нигеллин, сапонин каби қатор моддалар мавжуд.

Кези келганда айтиладиган гапларнан бири: кейинги вақтларда озуқа безаги, доривор, сансат хом ашёси ва татимли зиравор бўлган седанани етиштириш ҳачагина камайиб кетган, бу эса халқимизнинг табиатнинг серхосиятли неъматига бўлган эҳтиёжини қондира олмайди. Иложи бўлса, седана етиштиришга қодир бўлган хўжаликлар табиатимизнинг бу ноёб туҳфасига эътибор бериб, етарли даражада етиштирсалар жуда ҳайрли иш бўлар эди.

М. НАБИЕВ,
доришунос.

Ҳамма мени яхши кўради

(ҲАЖВИЯ)

Эрталаб тошойна олдида ҳафсала билан соч тараётганимда хотиним нола қила бошлайди:

— Жонимдан тўйиб кетдим. Ойнингизни асл нияти нима ўзи? Мени қўйдириб, онаси ўпмаганидан олиб беришми? Шуми? Аммо билиб қўйинг биринчи хотининг жаззасини иккинчиси беради. Тағин биров кўриб қолмасин деб, эшикни ичкаридан беркитиб олиб, уйда кир ювиб қолманг. Мен ҳам одамман. Тоқатим тоқ бўлди. Бунақада нақ ажалимдан беш кун бурун ўлдирасиз.

— Ўлмайсан, хотинжон, сен ўлмайсан.

— Ўлмай нима, жоним темирданми?

— Темирдан ҳам мустаҳкамсан.

— Асабларим худди...

— Қўйсангчи, сенда асаб нима қилсин.

— Мана шу-да, дардимни айтсам ошкора масҳара қиласиз. Эр бўлиб умрингизда бирон марта менга яхшилик қилганмисиз?

— Қилганман.

— Қачон? Қанақа яхшилик?

— Сенга..., уйланганман.

— Вой шарманда! Шуям яхшилик бўптими?

— Сенга бундан зўр яхшилик бўлиши мумкин эмас.

— Энди уйланганингизниям миннат қиляпсизми?

Шу ерда қовун тушириб қўйишимга сал қолди. Усталик билан буёғини андавалаб ташладим.

— Миннатга бало борми? Иккимиз топишганимиз зўр бўлган, ҳар иккимиз учун яхшилик бўлган демоқчиман, тушундингми?

— Вой тилингизга шакар, шундай демайсизми? Унда нега ойингиз менга зуғум қилсалар мум тишлаб турарасиз? Тўғрисини айтсам, тағин кўнглингизга олманг-у, шу ойингиз жуда заҳар хотин-да. Худонинг берган куни мени қон қақшатади.

Мен кўп синовдан ўтган, сўнгги, ишончли қуролни ишга соламан.

— Энди, мен сенга айтсам, хотин зотининг уруғи битта — ҳаммаси бир хил. Хафа бўлишга арзимайди. Нима қиласан жонингни қойитиб?

Мен бу гапларни ички бир ҳамдардлик, зўр афсус билан айтаман. Хўш, аслида бу гапнинг нимаси ёмон? Демак, виждонга хилоф бирон нима деганим йўқ.

— Тўғри айтасиз, — хотинимнинг кўзлари қувончдан мамнун чарақлаб кетди. Шу топда кўнглидан «хайрият, эрим мен томонда» деган фикр ўтгани аниқ!

Нонушта қилиш учун айвондаги сўрига чиқаман. Хонтахта ёнида онам мен учун чойни қайтариб, ўқланган милтиқдай тайёр турибдилар. Боксчилар таъбири билан айтганда, иккинчи раундга ҳам бир амаллаб чидаб берсам, кейин ишга бориш имкониятига эга бўламан.

— Ота бўлмагунча ота-онанинг қадрига етмайсан деб юрардим, мана ота ҳам бўлдинг. Локигин хотинингни тузук-қуруқ тергамайсан. Бе-е, тергаш қаёқда, шу пайтача бир шапалоқ урганингни эслолмайман. Хотиннинг гапига кирган эркак эркак эмас, болам!

Ойимнинг гапларни бўлмаймаи— кўнгилларини тоза бўшатиб олсалар енгил тортадилар. Керакли гапни эса туриш олдидан айтаман:

— Жуда тўғри айтасиз, ойижон. Аммо— лекин бир ўйлаб кўринг— шунча азият чекишингизга арзирмикан бу хотин зоти! Ахир ҳаммасининг уруғи битта-ку! Нима қиласиз ортиқча қойинг!

— Баракалло ўғлим, баракалло. Умрингдан барака топ. — Ойим мени дарвозагача дуо қилиб, кузатиб қолади.

Ҳойнаҳой, ойим ҳам «ўғлим мен томонда, ўзингга оғдириб бўпсан!» дея ўзича хурсанд.

Мен ҳар икки ғалаба нашъасидан мамнун ҳолда ишга бордим. Тушликда ҳамкасб дўстим Меҳмонқул хотинидан шикоят қилиб қолди:

— Бу товуқмиянинг қилиғини қара! Шимининг йиртиқ чўнтагини тикиб қўйгин деб минг марта айтганман. Кечаги маошни дегин, бошқа жой қуриб қолгандай ўша чўнтакка солибман. Ўйга келиб қарайманки —чўнтак қуруқ! Яна эрталаб ҳеч нима бўлмагандай «ана, чўнтагингизни ямаб қўйдим» деганига ўлайми! Э тўй ўтгандан кейин... Пўҳ, бунақада жинни бўпқолиш ҳеч гап эмас.

— Сен ҳам қизиқ экансан. Ахир бу хотин зотининг уруғи битта! Ҳаммаси шунақа! — дўстимга муҳим бир оламшумул янгилик айтгандай чуқур меҳр биллан қарадим. Боёқиш чеҳраси очилиб, эриб кетди.

— Э шундақа демайсанми, дўстим. Бўлмаса ўз ёғимга ўзим қоврилиб адойи тамом бўлаёзувдим.

Иш тугашига яқин бошлиғимиз — Карима Афзаловна чақириб қолдилар. Негадир бошлиқларнинг хонасига киришни унчалик хушламайман. Аммо хўжайин чақиргандан кейин кирмай қўр-чи... Чақиргани яхшиликка шекилли, Карима Афзаловна оғзидан бол томиб, юмшоқ креслони кўрсатди.

— Сизни бир илтимос билан чақирувдим, Шокиржон, агар хизмат бўлмаса!— Бошлиқнинг тилида исмимга «жон» қўшиб айтилганигами ёки шундай бир идоранинг бошлиғи бўлатуриб сўзимга маҳталдай турганигами, бирдан юрагим ҳовлиқиб кетди. Аммо сир бор бермай дадил гап қотдим:

— Битта эмас, сиз учун ўнта хизматга ҳам тайёрман, Карима Афзаловна!

—Шунақа денг,—Карима Афзаловна негадир ғалати жилмайиб қўйди.—Хизмат деганим шуки, бозорга бориб, мана шу майда-чуйдаларни харид қилиб чиқасиз, уйга узоқдан нозик меҳмонлар келадиган, —деди Карима Афзаловна ҳаражатлар рўйхатини узата туриб. — Сиз ўзимизникисиз, Шокиржон, сизни азалдан кўнглимга яқин олиб юраман. Шу... нима десам экан, поччангиз ҳамма оғир юмушларни ўзимга ташлаб қўйган. Эркак бўлиб мундоқ рўзгорга қайишай демайди.

Шу топда Карима Афзаловна кўзимга дунёдаги энг ажойиб, энг фариштa, жабрдийда бир аёлдай кўриниб кетди. Азбароин унга меҳрим товланиб, ачиниб кетганимдан шоша-пиша дедим:

— Парво қилманг, Карима Афзаловна! Бу зотнинг бари бир гўр — чунки уруғи битта-да!

— А? Нима дедингиз?! Қанақа зот? Ниманинг уруғи?

— Мм... мен... ҳалиги... ҳеч нима...

— Тавба, биринчи эшитишим! — Карима Афзаловна кимдан, нимани биринчи эшитаётганини негадир айтмади. Фурсатни ғанимат билиб, хайр-маъзурниям насия қилиб, секин жуфтакни ростладим.

Барибир, ҳамма мени яхши кўради!

Шодмонбек ОТАБОЕВ.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

НОН РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

1981 йил ҳосили аллақачон омборларга жамғарилди. Ўтган йилнинг ғалласини етиштириш осон бўлгани йўқ, лекин деҳқонлар уддасидан чиқишди— вақтида ўриб олдилар, тайёрладилар, эҳтиётлаб сақламоқдалар. Эрталаб нон магазинлари олдида машиналардан қип-қизариб пишган бўрсилдоқ булкалар, батонлар, буханкалар, оби нонлар тушириб олинаётганлигини кўриш мумкин.

Пештахталарга нонлар териб қўйилган. Улар жуда арзон. Аслини олганда эса нон бебаҳодир. Шунинг учун ризқ-рўзимиз нонни ҳамиша эъзозлайлик.

Қадимги вақтларда: «Нон ҳамма нарсадан азиз» деб бежиз айтишмаган. Ана шу нақлнинг ўзида ҳалқимизнинг нонга бўлган чексиз ҳурмат-эътибори яхши англашилади. Доно уй бекасида бир бурда нон ҳам, унинг увоғи ҳам увол бўлмаган. Агарда оқ нонниг суви қочиб, қотиб қолган бўлса — дастурхонда лаззатли бўғи кўтарилиб турган деҳқонча шўрва ёки печдан узилган хушбўй калач пайдо бўларди. Чинакам тежамкор уй бекаси нонниг бир оз қуйган ерларидан қандай фойдаланиш кераклигини яхши билар — ҳамиша терлаб турган мундидан нон квасини сузиб берарди.

Биз ҳам ҳозир нонга ана шундай меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлмоғимиз, увол қилмаслигимиз керак. Мўл ҳосил етиштириш, уни сўнгги мисқолигача териб олиш, дастурхонимизга етиб келгунча босиб ўтиладиган йўлда ва овқат вақтида уни исроф қилмаслик бу—экономикамизнинг талабигина бўлиб қолмасдан, виждонимиз тақозоси, гражданлик бурчимиздир.

Керагидан ортиқча нонни сотиб олманг.

Агарда хонадонингизда нон ортиб қолгудек бўлса, уни парраклаб ёки кубик шаклида тўғраб, духовкада қуритиб олинг. Қуритилган нонни янчиб, шакар қўшиб, талқон қилиш ёки шапарак қотган нон тайёрлаш мумкин. Булар шўрвали таомларга солинса овқатнинг хушҳўрлигини янада оширади.

Қотиб қолган нондан замонавий дастурхон учун бувиларимизнинг маслаҳати бўйича таомлар тайёрлаб кўринг. Лаззатли бўлади!

НОНЛИ ТУХУМ ҚОВУРДОҚ

Буғдой унидан ёпилган нонни қотган ерларидан ташқари қалинлиги 1 сантиметр қилиб парраклаб тўғрайсиз (олти-саккиз бўлакларга ажратиб), ёғ солиб қизидирилган товага солиб қизартирасиз. Нон паррагига тухум чақиб қуясиз, туз сепасиз ва меъёрига етгунча қизартирасиз. Пишган тухум қовурдоқ устига майда тўғралган петрушка ёки кўк пиёз сепасиз.

6—8 нон паррагига—3 дона тухум, 25 грамм маргарин ёки ўсимлик мойи, 5 грамм петрушка ёки барра пиёз, таъбга яраша туз керак бўлади.

ОЛМАЛИ ҚОВУРДОҚ

Пўсти арчилган ва дони олиб ташланган олма майда тўртбўрчак шаклида қирқилади ва устидан шакар сепилади. Нонниг чеккасидаги қотган ерлари олиб ташланади. Нонни 0,5 сантиметр қалинликда тўғри тўрт бурчак қилиб қирқилади. Қолган қийқимларини майда кубик шаклида тўғраб кўрилади. Парраклaнган нонниг бир томонига тухум, сут, қанд, аралашмаси суркалади ва суркалган томони билан тованинг таги ва четларини қоплайдиган қилиб терилади. Тайёрланган олма қуритилган нон билан аралаштирилиб тованинг ўртасига қўйилади. Устидан ҳалиги шакарли тухум суркалган нон суркалган томонини юқорига қаратиб терилади ва пиширилади.

65 грамм буғдой нонига—100 грамм олма, 30 грамм сут, 1 дона тухум, 20 грамм шакар, 10 грамм маргарин керак бўлади.

Чилонзор райпищеторги.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг «ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

токарь-универсаль (токарь-каруселчи программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), **саноат ускуналари бўйича слесарь-ремонтчи, электр пайвандчи, слесарь-механик-йиғувчи, фрезерчи, электромонтажчи, машинада қолипловчи, слесарь-асбобсоз, штамповкачи.**

Ҳамма ихтисосликлар бўйича ўқиш муддати 6 ой.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини битириб олган аттестатдаги баҳоларининг ўртача бали 4,5 бўлганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Билим юртини битирган ўрта маълумотлиларга ҳам билим юртини тугатганлиги тўғрисида аттестат берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 33 процента берилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокаль чолғу ансамбли ва миллий чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари доимо ишлайди.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

ЎҚИШГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ЕШДАН 25 ЕШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), 3 X 4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар турар жойларидан пропискадан ўчиллари ҳамда билим юрти ётоқхонасига пропискадан ўтишлари ҳамда ўзлари билан шахсий учет карточкаси, ВЛКСМ аъзолиги учет карточкаси ва комсомол билетини олиб келишлари зарур.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00дан 17.00гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар, 8, 9, 115, 112, 72, 60, 24, 44-автобусларнинг «Галаба» боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 2/II да **Олтин девор**, 3/II да **Ун учинчи раис**, 4/II да **Алмандар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/II да **Тошкентнинг нозанин маликаси**, 3/II да **«Олифта»**, 4/II да **Тўйдан олдин томоша**.

КИНО

1 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИНСОН БАХТ-СЛОДАТИ ЙЎЛИДА» —**ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

«ЕРДАГИ БАЙРАМ»— **Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШЛЯПА» — **Санъат саройи** (17, 18.45, 20.30), **Нукус** (тоқ соатларда), **Чайка** (жуфт соатларда), **Москва** (тоқ соатларда), **Восток** (жуфт соатларда).

«ОЛАМНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ»— **Дружба** (жуфт соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ТЕҲРОН — 43» — **Лисунов номли** (17, 20.00).

«БУЮК ФИДОИЙ» — **Кўпча** (17, 20.00).

2 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИНСОН БАХТ-СЛОДАТИ ЙЎЛИДА» —**ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

«ЕРДАГИ БАЙРАМ»— **Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШЛЯПА» — **Санъат саройи** (11, 13, 15, 17, 18.45, 20.30), **Нукус** (тоқ соатларда), **Чайка** (жуфт соатларда), **Москва** (тоқ соатларда), **Восток** (жуфт соатларда).

«ОЛАМНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ»— **Дружба** (жуфт соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ТЕҲРОН — 43» — **Лисунов номли** (17, 20.00).

«БУЮК ФИДОИЙ» — **Кўпча** (11, 14, 17, 20.00).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти қошидаги
9-ПОЛИГРАФЧИЛАР БИЛИМ ЮРТИНИНГ ФИЛИАЛИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қўлда ва машинада ҳарф терувчилар, юқори, чуқур ва ботиқ босма печатникларни, муқовачилар.

Ўқиш муддати — 1 йил.
Машғулотлар рус тилида олиб борилади.
Ўқишга ўрта маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.
Ҳар ойда ўқувчиларга 70 сўм ҳажмида стипендия берилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан, кейинчалик турар жой ва Тошкент шаҳрида доимий прописка билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1982 ИИЛ 15 ФЕВРАЛДА БОШЛАНАДИ.

Ўқишни аъло баҳолар билан тугатганларга полиграфия олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 3x4 см. ҳажмидаги 4 дона ва 4x6 см. ҳажмидаги 2 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (шанба ва якшанбадан ташқари) **СОАТ 9.00 дан 17.00гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

1 ФЕВРАЛЬ— ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

18.15 «Алёнканинг жўжаси». Мультфильм. 18.25 ССР Иттифоқи Давлат академик синфоник оркестрининг концерти. 19.25 КПСС XXVI съезди қарорлари —ҳаётга! «Магнитканинг ишчи характери». «Биринчи беш йиллик тўнғичи —В. И. Ленин номли Магнитогорск металлургия комбинатининг 50 йиллигига. 19.55 Останкино концерт студиясида ёзувчи Ф. Абрамов билан учрашув. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — МАСК. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.20) —«Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «9-студия». 20.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 21.30 «Время». 22.05 «Ердаги одамлар». Телевизион бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Бароқвой». Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Дўстлик поезди». 18.45 «Совга» Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 19.05 Сув полоси бўйича СССР чемпионати. «Меҳнат» (Тошкент) —«Динамо» (Львов). Митрофанов номли Сув спорти саройидан репортаж ёзиб олинган). 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси педагогларининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Экран куйлари». Ҳинд кинофильмларидан кўшиқлар ва рақслар. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Инқироз». Бадиий фильм. 1-серия. 23.30 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

II

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 «Изланиш». Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 18.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 19.50 «Яна бир бор Байкал ҳақида». Телефильм. 20.00 Янгиликлар 20.20 «Врач суҳбатлари». 20.40 «Мурманск», «Днепропетровск», «Совет Иттифоқининг шаҳарлари» туркумидан телефильмлар. 21.30 МТ II.

2 ФЕВРАЛЬ— СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 Тоғ чанги спорти бўйича жаҳон чемпионати. Австриядан олиб кўрсатилади. 18.25 «Нима экстанг шуни оласан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Краснодар ўлкаси саноат корхоналари ва колхозларида иш самарадорлиги ва сифатини оширишнинг янги системасини жорий этилиши ҳақида. 19.15 «Дунё воқеалари» 18.30 «Москвада қиш». 19.40 Москва Давлат Маданият институти студентларининг концерти. 20.20 «Оқшомдан тушгача». Телевизион бадиий фильм. премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Крилья Советов» — «Спартак». «Крилья Советов» спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — (22.20) «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Анна Ивановна». Телевизион ҳужжатли фильм (Олмаота). 9.35 ва 12.55 Шахмат мактаби. Бошловчилар учун 10.05 ва 12.05 Француз тили. 10.35 ва 11.40 Тарих. 5-синф. Афина бўйлаб сайр. 11.00 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Астрономия. Юлдузли осмон. 11.30 ва 13.25 «Саян шаршаралари». Илмий-оммабоп фильм. 12.35 ва 13.35 Ботаника. 5-синф. Баргнинг аҳамияти. 13.55 ва Ф. М. Достоевский. «Жиноят ва жазо». Ўқитувчи экрани: 15.05 В. И. Ленин. Л. Н. Толстой ҳақида. 9-синф. 15.35 Тарих. 7-синф. Степан Разин бошчилигида деҳқонлар уруши. 16.05 Уруш йилларининг шеърлари ва қўшиқлари. 16.50 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Қўшиқларимиз сенга, мамлакат». Фильм-концерт (Душанбе). 19.15 «Марказий Америка: терроргa таяниб». АҚШ империалистик доираларининг Марказий Америкадаги сиёсати ҳақида ҳужжатли фильм. 19.45 «Спорт ҳафталиги». 20.15 «Калинка». Рус халқ чолғу ансамбли чалади. (Калуга). 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Биз ВАМни қуряпмиз». Ния поселкаси. 21.30 «Время». 22.05 «Кутаман». Телевизион бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Зум-зум». Қўғирчоқ фильм. 11.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб—бизнинг дўстимиз» (такрорий). 12.30 Адабиёт. М. Шайхзода —таниқли шоир. 13.00 «Инқироз». Бадиий фильм. 1-серия. 18.00 Кўрсатувлар программаси.

18.05 «Полизчи хўтик». «Мингоёқ», «Алдаркўса», Мультфильмлар. 18.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 19.10 «Шеърият дафтаридан». Ў. Рашид, Н. Парда. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ контроли экрани». (рус.). 20.15 «Терракота табассуми». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси маҳоратли ансамбли солистларининг концерти (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Сифатли уруғ—мўл ҳосил гарови». 22.25 «Инқироз». Бадиий фильм. 2-серия. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Серқуёш ўлкада». Телефильм. 18.45 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика 19.45 Реклама. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Меҳнат ҳуқуқи. 20.50 «Зардўзлик» Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 21.00 Ўқитувчи экрани. Ўқувчиларни эстетик тарбиялаш (рус.). 21.30 МТ II.

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ бет

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66: саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19. фан. мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10: адабиёт ва санъат — 32-56-81: ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32: хатлар — 33-29-70: эълонлар бўлими —33-81-42: нашриёт диспетчери 32-78-94: нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

1 ФЕВРАЛЬ, 1982 й. Р—07046. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.